

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЪДУЛЛАЕВА ГУЛНОЗА СОДИҚ ҚИЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

08.00.11 – Маркетинг
08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) диссертации по
экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Саъдуллаева Гулноза Содиқ қизи

Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг
стратегияси.....3

Саъдуллаева Гулноза Содиқ қизи

Маркетинговая стратегия развития рынка услуг высшего
образования.....31

Sadullaeva Gulnoza Sodik kizi

Marketing strategy for the development of the market of higher education
services.....59

Элон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....64

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЪДУЛЛАЕВА ГУЛНОЗА СОДИҚ ҚИЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

08.00.11 – Маркетинг
08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt753 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зияева Мухтасар Мансурджановна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Бекмурадов Адхам Шарипович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алимова Машхура Тоировна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 233-60-01; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 239-28-27; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
и.ф.д.,проф.

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
и.ф.д.,проф.

Ш.Дж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, и.ф.д.,проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро таълим бозорига интеграциялашув ва таълим сифатининг самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларининг (ОТМ) рақобатбардошлигини таъминлашда ташқи ва ички омилларнинг ўрни ортиб бормоқда. «Жаҳонда олий таълим хизматлари бозори ҳажми 2008 йилда 100 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 600-800 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Жаҳон олий таълим хизматлари бозорида етакчиликни эгаллаб турган мамлакатлар АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада ва Япония барча хорижий талабаларнинг 5 дан 4 қисмини ташкил қилади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра олий таълим хизматлари бозори салоҳияти 140 млн. талабани ташкил этади»¹. Таълим хизматлари бозорида маркетинг стратегиялари халқаро рақобатчиликни ташкил этиш воситаларидан биридир. Бу эса олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш, мавжуд рақобатчилик устунликларини кучайтириш ва янги имкониятлардан фойдаланишга қаратилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда халқаро таълим муассасаларининг маркетинг стратегиясини ўрганиш ва уни миллий таълим бозорида фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳондаги кўпгина етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида таълим бозорини ривожлантириш мақсадида янгича самарали таълим моделларини шакллантириш ва уларни амалга оширишнинг инновацион технологияларини яратишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар доирасида Европа олий таълим сифатини таъминлаш ассоциациясида кадрлар компетенциясини ривожлантириш ва унга қўйилган талаблар, касбий ва бошқарув маҳоратларини баҳолаш мезонлари, таълим сифатининг комплекс мониторинги, кадрлар касбий стандартларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Шу боис, олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг стратегиясини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда олий таълим тизими ислохотларининг стратегик мақсадлари «юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг самарадорлигини ошириш, жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлаш»² кабиларни ўз ичига қамраб олади. Бу мақсадларга эришишда таълим тизимига рақамли технологияларни жорий қилиш халқаро таълим маконининг фаол иштирокчиси бўлиш учун маркетинг стратегиясини ривожлантириш бугуннинг муҳим вазифаларидан саналади.

¹ UNESCO-UIS/OECD/WEI, 2003 // [Electronic resource] / Access mode: <http://unstats.un.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПҚ-5847 сонли 08.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирокини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 967-сон «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Маркетинг стратегиялари ва хўжалик юртурувчи субъектлар рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатларини хориж олимлари тадқиқ этганлар. Ҳусусан, Ф.Котлер, Дж.Иган, Н.К.Малхотра, Дж.Барнетт, С.Мориарти, Е.Дихтль, Х.Хершген, К.Лавлок, Ж.Ландреви, Ж.Леви, Д.Линдон, Ж.Ж.Ламбен³ ва бошқа хориж олимларининг илмий ишларида ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида ҳам таълим тизимини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларининг баъзи жаҳатлари очиб берилган. Ҳусусан, М.Афанасьев, В.Беляев, А.П.Панкрухин, М.А.Лукашенко,

³Котлер, Ф. Маркетинг менеджмент. Экспресс-курс / Ф. Котлер; 2-нашр.— СПб.: Питер, 2006. - 464 с., Иган, Дж. Маркетинг взаимоотношений: Анализ маркетинговых стратегий на основе взаимоотношений / Дж. Иган; пер. с англ. - М.: ЮНИТИ, 2008. - 375 с., Малхотра Н.К. Маркетинговые исследования. - М.: Вильямс, 2002, 960 с., Барнетт Дж., Мориарти С. Маркетинговые коммуникации. Интегрированный подход. 1-е издание, 2001 год // по материалам сайта <http://www.marketing.spb.ru/read/article/a44.htm>, Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг. -М.: Высшая школа. ИНФРА-М, 1996.-с.215, Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии. М., СПб, Киев: Вильямс, 2005. 997 с., Дибб С., Симкин Л. Практическое руководство по сегментации рынка. — СПб.: Питер, 2001. 240с., Ландреви Ж., Леви Ж., Линдон Д. Меркатор. Теория и практика маркетинга / Пер. с франц.: В 2т. - Т.2. - М.: МЦФЭР, 2006. 512 с., Чевертон П. Теория и практика современного маркетинга: полный набор стратегий, инструментов и техник / Пер. с англ. В.Н. Егорова. — М.: ФАИР-Пресс, 2002. 603с., Ward, Stephen V. The Marketing and Promotion of Towns and Cities 1850-2000. - London and New York, Spon Press, 1998, Ж.Ж.Ламбен. «Стратегический маркетинг» – СПб.: «Наука», 2006 й

Н.П.Литвинова⁴ тадқиқотларида таълим хизматларини ривожлантиришда маркетинг стратегияларига оид илмий хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистонда маркетинг тизимининг умумий жиҳатлари ва маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилаётгани эътиборга молик. К.Х.Абдурахмонов, Г.Н.Ахунова, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Ш.Д.Эргашходжаева, А.А.Фаттахов, Д.М.Мухитдинов, М.А.Икрамов, Б.Х.Рахимов, И.У.Мажидов, Қ.Қ.Қуролов, Д.Х.Шодиметова, М.М.Ташходжаев⁵ каби олимларнинг тадқиқотларида таълим тизимида маркетинг стратегияларига оид илмий қарашлар акс эттирилган.

Хориж ва ўзбек олимларининг маркетинг стратегиясига оид илмий ишлари таҳлили, унинг турли соҳалардаги аҳамияти очиб берилган. Бирок олий таълим тизими соҳасини ривожлантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш етарли асосланмаганлиги боис ушбу диссертацияда маркетинг стратегиясининг таълим тизими рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатидаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928537-сонли «Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим хизматлари бозори рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияси йўналишларини тадқиқ этиш;

⁴Афанасьев М.П. Маркетинг: практика и стратегия фирм. – М.: АО «Финстатипформ», 2015. - 112 с.;Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики. – М.: КНОРУС, 2010. – 680 с.; Панкрусин А.П. Маркетингобразовательных услуг в высшем и дополнительном образовании. -Москва,2005.-24с.,Корчагова Л.А. Маркетинговые инструменты в управлении вузом: формирование товарной политики. // Высшее образование сегодня, 2013.-№9 - 0,4 п.л., Валиев Ш.З. Концептуальные основы функционирования высшей школы в транзитивной экономической системе/ Ш.З.Валиев. –СПб ГУЭФ, 2011.5 с., Лукашенко М.А. Высшее учебное заведение на рынке образовательных услуг: актуальные проблемы управления –М.:Маркет ДС, 2013. -356 с., Абабков Ю.Н., Абабкова М.Ю. маркетинг в социальной сфере. СПб.: Изд-во СПбГАСЭ, 2015. 234с., Литвинова Н.П. Маркетинг образовательных услуг. СПб., 2014. 178с.

⁵Абдурахмонов К-Х. Мехнатиктисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Mehnat, 2004. - 672 б.,Абдуллаев О. ва бошқалар. Маркетинг стратегиясининг асосий йўналишлари.-Т:НИМП,1999.-25б., БекмуродовА.Ш., Қосимова М.С.ва ЭргашходжаеваШ.Ж. Стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2010 й.– 178 б.; Тиллаходжаев А. Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий маркетинг стратегияларини такомиллаштириш.Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.:ТДИУ, 2018.-51б.,Шодиметова Д.Х. Таълим хизматлари бозорида малака ошириш тизими маркетинг стратегиясини такомиллаштириш. Тошкент-2011, Ташходжаев.М.М. Таълим хизматлари бозори ва унинг ривожланишининг иқтисодий таҳлили.“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил, Рахимов Б.Х., Мажидов И.У. Роль профессионального образования в модернизации страны // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. –Т., 2012. – С. 41–43, Куролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Икт. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 91 б.

маркетинг стратегиясининг таълим хизматлари бозоридаги ўрнининг ривожланишини аниқлаш;

таълим хизматлари бозоридаги маркетинг стратегияларининг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим хизматлари бозорида рақобат муҳити шаклланиши шароитида ОТМларда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича услубий ёндашувни ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва унинг меҳнат бозори билан интеграциясини ошириш бўйича истиқболли тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида маркетинг стратегиясини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг асосий йўналишларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти республиканинг олий таълим тизимида маркетинг стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети республиканинг олий таълим тизимида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида таҳлил қилиш ва синтез усуллари, қиёсий ва динамик таҳлил қилиш усуллари, SWOT-таҳлил, дискриминант таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, сўровномалар, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“олий таълим соҳасида маркетинг стратегияси” тушунчасининг моҳияти ўқув жараёнини ташкил қилишнинг самарали шакллари қўллаш, таълим хизматлари сифатининг мақсадли маркетинг параметрларини инобатга олган ҳолда баҳолаш ва рақобатбардошлик устунлигини истиқбол талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир маркетинг сегменти орқали аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

маркетинг тадқиқотларининг ижтимоий сўров усули истеъмолчиларнинг олий таълим хизматлари сифатидан қониқишини баҳолашнинг чизиқли дискриминант таҳлилида таълим хизматидан фойдаланувчиларнинг мақсадли ва баҳолаш ҳолати параметрларининг нисбатини эътиборга олиш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларини флагман, илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи, соҳалар учун таълим ва илмий-тадқиқотлар бўйича таянч ҳамда хорижий олий таълим муассасалари гуруҳларига ажратган ҳолда алоҳида маркетинг стратегиялари таклиф этилган;

олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш public relation, QR-кодлар, Customer Relationship Management (CRM), social media marketing (SMM) маркетинг тизимларининг интеграцияланган ахборот-маркетинг платформаси таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларини рақобат муҳитига мослаштиришга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг табақалашган йўналишлари аниқланган ва унинг жорий қилиниши истиқболдаги асосий ва кўшимча таълим хизматларини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатишга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

таълим хизматлари бозорида рақобат ривожланиши шароитида олий таълим муассасаларининг мақсадли сегментларини белгилаш ва истеъмолчиларнинг талабини таъминловчи маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга таъсир этувчи индикаторлар тизими ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланиш юзасидан услубий ёндашув таклиф қилинган;

ОТМларда маркетинг фаолиятини ташкил қилиш (шу жумладан, аутсорсинг шаклида ҳам) ва меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим тизими ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланган методологик ва услубий ёндашувларнинг асосланганлиги, рақобатбардош таълим хизматлари бозорининг хусусиятлари, олий таълим муассасаларининг статистик ҳисоботларини умумлаштириш, ижтимоий сўровномалар ва муаллифнинг стратегик маркетингни шакллантириш билан боғлиқ тадқиқоти натижалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари таҳлил қилинганлиги, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва бошқа расмий нашр этилган материаллардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Амалий таклиф ва тавсиялар амалиётда синовдан ўтган ҳамда тадқиқот натижалари расмий органлар ва ОТМлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, мавжуд назарий ва методологик ёндашувларни тизимлаштириш, олий таълим муассасаларининг маркетинг стратегияларини ишлаб ва Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини ривожлантиришда маркетинг стратегияларини такомиллаштириш ҳамда ушбу мавзуда илмий тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида қўллана олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материаллари олий таълим муассасаларининг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва ўқув-услубий материалларни тайёрлашда қўлланилиши мумкин. Рақобатбардош таълим хизматлари бозорини ривожланиш шароитига мослашиш учун ОТМларнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган маркетинг стратегияси воситаларидан фойдаланиши талаб этилади, бу эса тадқиқотларни амалга оширишда рақамли технологияларнинг (BI, Big Data, CRM, блокчейн ва б.) аҳамияти муҳимлигини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим хизматлари бозорида маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“олий таълим тизимида маркетинг стратегияси” тушунчасининг такомиллаштирилган мазмун-моҳиятига оид илмий тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 апрелдаги 315-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2019-2021 йилларга мўлжалланган таълим хизмати ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастури»ни ишлаб чиқишда, шунингдек, олий таълим талабалари учун “Маркетинг” номли дарсликни (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 359-рақамли гувоҳномаси) тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1632-сон ва 2020 йил 17 ноябрдаги 89-03-4799-сон маълумотномалари). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилганлиги натижасида олий таълим муассасаларида меҳнат бозорининг айрим субъектларини малакали кадрлар, ўқув, инновацион ва бошқа хизматларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга қаратилган қарорларини қабул қилиш, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун татбиқ этилаётган кўрсаткичларни тизимлаштириш асосида уларнинг алоҳида йўналишлари бўйича самарадорликни аниқлаш имконияти яратилган;

маркетинг тадқиқотларининг ижтимоий сўров усули истеъмолчиларнинг олий таълим хизматлари сифатидан қониқишини баҳолашнинг чизиқли дискриминант таҳлилида таълим хизматидан фойдаланувчиларнинг мақсадли ва баҳолаш ҳолати параметрларининг нисбатини эътиборга олиш асосида такомиллаштирилган, олий таълим фаолиятида маркетинг стратегиясини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи индикаторлар тизимида битирувчиларнинг меҳнат бозорига чиққандан кейинги бир йил давомидаги даромадлари миқдори ва рақобатчиларнинг таълим хизматлари бозоридаги улушини аниқлашга оид янги индикаторларини қўшган ҳолда такомиллаштиришга оид илмий таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 январдаги 18-сон буйруғига асосан таълимни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1632-сон маълумотномаси). Натижада, истеъмолчилар талабига йўналтирилган маркетинг стратегиясини шакллантиришда ОТМларда кадрлар тайёрлаш рақобатбардошлигини ошириш таъсирини баҳолаш ҳамда ОТМларни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш дастурлари ишлаб чиқиш жараёнлари такомиллашган;

олий таълим муассасаларини флагман, илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи, соҳалар учун таълим ва илмий-тадқиқотлар бўйича таянч ҳамда хорижий олий таълим муассасалари гуруҳларига ажратган ҳолда алоҳида маркетинг стратегиялари натижаларидан Академик инновациялар фондининг “Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда кластерли ёндашув “Ўқув илмий комплекс” ташкил этиш” мавзусида амалга оширилаётган лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 июндаги 89-03-2464-сон маълумотномаси). Натижада, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўналишида “Университет 3.0” моделини босқичма-босқич яратиш ва инновацияларни тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтирган ҳамда таълим сифати бўйича чизикли дискриминант таҳлил усулида 17,6% талабаларнинг фикри ўрганилган;

олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш public relation, QR-кодлар, Customer Relationship Management (CRM), social media marketing (SMM) маркетинг тизимларининг интеграцияланган ахборот-маркетинг платформасидан 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-20170928537 “Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 августдаги 89-03-2735-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларининг ўзини ўзи молиялаштириш механизмига ўтаётган жараёнда рақамли платформалардан фойдаланишнинг биринчи босқичида 25,0 фоиз истеъмолчиларнинг таълим сифати тўғрисидаги фикрини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий ишнинг натижалари бўйича 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 11 та илмий мақола республика журналларида ва 2 та илмий мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таълим тизимини ривожлантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида таълим хизматлари бозори рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга назарий ва услубий ёндашувлар ҳамда унинг таълим хизматлари бозорининг ривожланиши билан боғлиқлиги ва бу жараёнларни ўрганишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Таълим тизими нафақат бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан чекланади, балки жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа эҳтиёжларини таъминлашда муҳим омил бўлган меҳнат ресурсларини тайёрлаш ва такомиллаштириб боришни амалга оширади.

Диссертацияда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда умумий методологик ёндашувлар қуйидаги илмий йўналишлар доирасида татбиқ этилган:

устувор мақсадларга эришиш учун йўналтирилган ва бевосита индивидуал чораларни таъминлайдиган ўрта ёки узок муддатли қарорлар (Дихтль Е., Хершген Х.);

истеъмолчиларнинг ҳуққ-атворларини инобатга олган ҳолда мақсадли бозорларга жалб қилиш ва талабни қондириш мақсадида маркетинг стратегияси усулларидан фойдаланиш (Стоун М., Вудкок Н., Мэчтингер Л);

маркетинг мақсадларига эришиш учун товар, нарх, реклама ва силжитиш қандай мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаши кераклигини аниқлаш концепциядир (О'Шонесси Дж);

маркетинг стратегияси бозор салмоғи ўсишини инобатга олган ҳолда ва истеъмолчиларнинг талаблари асосидаги хизматлар йиғиндисини ташкил этади (Лавлок К);

маркетинг тадқиқотлари менежмент учун бошқарув қарорларини мувоzanатли олиб бориш учун маркетинг моделлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича тасаввурга эга бўлиш зарурлигини аниқлатади (Малхотра Н.К).⁶

Ушбу ёндашувларни умумлаштириш асосида муаллиф тарафидан олий таълим соҳасида маркетинг стратегияси тушунчаси меҳнат бозори ва хўжалик юритувчи субъектларни малакали кадрларга бўлган талабини қондиришга қаратилган мақсадли қарор қабул қилишда маркетинг маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш жараёни такомиллаштирилган.

Диссертацияда маркетинг стратегиясини аниқлашда таълим муассасалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш кераклиги асосланган, шу жумладан:

замонавий университет фаолияти (creative university, университет 3,0) кўп йўналишларга эга, таълим хизматларини кўрсатиш, илмий-тадқиқот сектори, ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш, консалтинг ва инновацион тадбиркорлик, ташқи иқтисодий алоқалар ва таълим муассасаси ходимлари томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматлар;

таълим хизматлари кўрсатилишида истеъмолчилар билан (иқтисодиётнинг реал сектори, йирик корпоратив тузилмалар, хусусий сектор вакиллари ва бошқалар) интеграциялашган алоқаларнинг мавжудлиги уларни интеграциялашган ўқув дастурларини яратиш, тақдим этилаётган таълим хизматлари сифатини баҳолаш, иш ўринлари билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашда иштирок этишини аниқлатади.

⁶ Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг. - М.: Высшая школа. ИНФРА-М, 1996. - с. 215. Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии. М., СПб, Киев: Вильямс, 2005. 997 с., Иган, Дж. Маркетинг взаимоотношений: Анализ маркетинговых стратегий на основе взаимоотношений / Дж. Иган; пер. с англ. - М.: ЮНИТИ, 2008. - 375 с., Дойль, П. Маркетинг, ориентированный на стоимость / П. Дойль; под ред. Ю.Н. Каптуревского; пер. с англ. - СПб.: Питер, 2001. - 480 с., Н.К. Малхотра. Маркетинговое исследование.. Практическое руководство. 3-е издание. Пер. англ. М.: Вильямс. 2002, 960 с., Стоун М., Вудкок Н., Мэчтингер Л. Маркетинг, ориентированный на потребителя / М. Стоун и др. - Пер. с англ. М. Веселковой. - М.: ФАИР-ПРЕСС, 2003 г. — 336 с., О.Шонесси Дж. Конкурентный маркетинг: стратегический подход / пер. с англ. под ред. Д.О. Ямпольской - СПб: Питер, 2002. - С. 118.

Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инновацион маҳсулотлар ва хизматларни биргаликда ишлаб чиқиш, буюртмачилардан битирувчиларнинг малакасига бўлган талабларни олиш ва ҳ.к.;

1-жадвал

ОТМлар фаолиятида маркетинг стратегиясини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган индикаторлар⁷

№	Кўрсаткич	Белги	№	Кўрсаткич	Белги
1	Талабалар сони (жами)	x1	20	Битирувчиларнинг меҳнат бозорига чиққандан кейин бир йил давомидаги даромадлари миқдори, сўм/киши	Z3
2	Талабалар сони (грант)	x1.1	21	Битта ОТМга тўғри келадиган даромадлар миқдори, сўм/сони	C4
3	Талабалар сони (контракт)	x1.2	22	Реклама харажатлари	V5
4	Таълим хизматларидан олинадиган даромадлар (кундузги)	Y2	23	ОТМ маркетинг харажатлари млн.сўмда	N6
5	Таълим хизматларидан олинадиган даромадлар (кечки)	Y2.1	24	Минтақада инновацияларни жорий қилиш даражаси, %	M7
6	Таълим хизматларидан олинадиган даромадлар (сиртки)	Y2.1-1	25	Таълим йўналишлари бўйича рақобатчиларнинг талабалари сони жами	B8
7	Хорижий талабалардан олинадиган даромадлар	Y2.1-2	26	Рақобатчиларнинг грант ва контракт асосида ўқийдиган талабалари сони	K9
8	Кўшимча таълим хизматларидан олинадиган даромадлар	Y2.2	27	Рақобатчиларнинг таълим хизматлари бозоридаги улуши, %	R10
9	Масофавий таълим хизматларидан олинадиган даромадлар	Y2.2-1	28	Умумий даромадлар таркибида инновациялардан олинадиган даромадлар улуши, %	W11
10	Корпоратив истеъмолчилардан олинадиган кўшимча хизматлар даромадлари	Y2.2-2	29	Рақобатчиларнинг бозор улуши, %	E12
11	Ўқув-услубий материаллардан олинадиган даромадлар	Y2.2-3	30	ОТМ бошқа даромадлар улуши, %	O13
12	Малака оширишдан олинадиган даромадлар	Y2.2-4	31	Нашр қилинган мақолалар сони	P14
13	Юқори технологияларни сотишдан олинадиган даромадлар	Y2.2-5	32	Хорижда нашр қилинган мақолалар сони	I15
14	Лицензияларни сотишдан олинадиган даромадлар	Y2.2-6	33	Минтақадаги аҳоли сони, минг киши	U16
15	Битта ОТМга тўғри келадиган ўртача даромад	Y2.2-7	34	Бозор ҳажми, млрд.сўм	T17
16	Халқаро грантлар сони, дон.	Y2.2-8	35	Олий таълим хизматлари нархлари индекси, %	F18
17	Халқаро грантлар олинадиган даромадлар	Y2.2-9	36	ОТМ компьютерлар билан таъминланганлик даражаси	G19
18	Хорижда ўқийдиган талабалар сони, киши	Y2.2-10	37	Ўртача киши бошига таълим хизматлари миқдори	H20
19	Хорижда ўқиган ўқитувчилар сони, киши	Y2.2-11	38	Кичик инновацион тадбиркорлик субъектлари сони	J21

унинг меҳнат бозори билан ўзаро алоқаси (меҳнат бозоридаги вазият, меҳнат бозоридаги мувозанат, шу жумладан, минтақавий даражада, янги касбларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар), унинг хизматлари

⁷Муаллиф ишланмаси

истеъмолчиларининг таркиби (давлат ва минтақавий ҳокимиятлар, юридик ва жисмоний шахслар, чет эллик талабалар ва бошқалар) ва институционал ташкилотлар (бандлик марказлари, рекрутинг компаниялари, таълим ассоциациялари ва бошқалар).

Диссертация ишида ОТМларнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга таъсир кўрсатадиган ташқи ва ички муҳит омилларини баҳолаш имконини берувчи индикаторлар тизими ишлаб чиқилган (1-жадвал).


Тадқиқотда ОТМлар маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга таъсир кўрсатадиган мулк ва нисбий индикаторлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилган:

ички (талабалар сони, қўшимча ва масофавий таълим хизматларидан олинадиган даромадлар, малака ошириш ва ўқув-услубий материаллардан, корпоратив истеъмолчилардан олинадиган даромадлар, реклама харажатлари ва б.);

ташқи (янги таълим хизматларининг бозорларга кириб бориш даражаси, рақобатчиларнинг сони, халқаро грантлар, юқори технологияларни сотишдан олинадиган даромадлар, лицензияларни сотишдан ва битта ОТМга тўғри келадиган даромадлар миқдори, талабаларни меҳнат бозорига чиққандан кейин бир йил давомидаги даромадлари миқдори, бозор ҳажми, минтақадаги аҳоли сони ва б.).

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва бозор ислоҳотларининг самарадорлиги таълим хизматлари бозори соҳасини янада ривожлантириш, жамият тараққиётининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда унинг ролини ошириш билан узвий боғлиқ.

Айнан таълим хизматларига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш таълим хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий иқтисодий шарти ҳисобланади. 1-расмда иқтисодиётда 2010-2019 йиллар оралиғида кўрсатилган хизматлар ҳажми таҳлил қилинган. Булар орасида таълим хизматларига эътибор қаратадиган бўлсак, деярли ҳар йили кўрсаткичлар ўсиш суръатида борган. Бу кўрсаткич 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 19,4 фоизга ошган.



1 - расм. Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (олдинги йилга нисбатан, %да)⁸

⁸ Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармонида олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш белгиланган. «Университет 3.0» концепциясининг асосий мақсади инновацион маҳсулотларни яратиш ва интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш мақсадида олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот, инновацион ва тадбиркорлик инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси самарадорлигини таъминлаш мақсадида «Университет 3.0» моделини такомиллаштирилган намунаси таклиф этилган (2-расм).



2-расм. Олий таълим муассасаларини ривожлантириш бўйича «Университет 3.0» модели⁹


Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ривожлантиришда маркетинг стратегиялардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини модернизация қилиш ва унинг меҳнат бозорида рақобат жараёнларининг кучайиши билан алоқаси, олий таълим муассасаларининг (ОТМ) рақамли иқтисодиёт шароитига мослашишида маркетинг стратегиясининг имкониятлари, таълим хизматлари

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

бозорида рақобат муҳитининг шаклланиши шароитида ОТМларда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга услубий ёндашувлар баён қилинган.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини янада ривожлантириш, сифат даражасини ошириш ва меҳнат бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Жаҳон Банки томонидан қўллаб-қувватловчи лойиҳа амалга оширилмоқда. Жаҳон Банки ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2017 йил 11 апрелда «Олий таълим тизимини модернизация қилиш» лойиҳаси борасида кредит келишуви тасдиқланди.¹⁰ Лойиҳани амалга татбиқ этиш даври 2017-2022 йилларни ўз ичига олади, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги назоратида олиб борилади, Жаҳон Банки техник ёрдам кўрсатади.

2020 йилда Республика олий таълим муассасаларида талабалар сони 440,9 минг кишини ташкил қилди ва бу 2011 йилга нисбатан 137,5% кўп демакдир (3-расм).



3-расм. Талабалар сони ва хорижий таълим муассасаларининг ўсиш динамикаси¹¹

2020 йилда республикадаги олий таълим муассасалари сони 65 тадан 129 тага етди, улардан 25 таси хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ҳисобланади. Сўнгги икки йилда 19 та хорижий олий таълим муассасаси филиаллари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида чет эл олий таълим муассасаларининг асосий фаолияти қуйидаги йўналишларни назарда тутди:

юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида тайёрлашни таъминлаш;

республикада олий таълим тизимида замонавий таълим технологиялари асосида ўқув жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хориж тажрибасини жорий этиш, хусусан, виртуал таълим муҳити (Virtual Learning Environment- VLE), ахборотлашган менежмент тизими (Management Information System- MIS);

¹⁰www.worldbank.org

¹¹Статистика қумитаси маълумотлари асосида тузилган

республикамизда илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида ўзаро алоқа қилиш асосида узлуксиз таълим ва малака ошириш тизимини шакллантиришга кўмаклашиш;

юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни назарда тутувчи мақсадли таълим дастурларини халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда ташкил этиш учун шароитларни яратиш.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасидаги вазиятнинг таҳлили таълим хизматлари учун нисбатан рақобатбардош бозорнинг шаклланиши, талабнома берувчилар сонининг кўпайиши, таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорида талаб ва таклиф тузилмаси ўртасидаги номувофиқлик кўрсатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Олий таълим муассасалари битирувчилари бандлиги (2018 й.)¹²

№	ОТМ	Битирувчилар сони			Жами бандлиги таъминланганлар сони			
		жами	грант	тўлов - контракт	грант	тўлов - контракт	даражаси, %	
							грант	тўлов - контракт
1	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	929	79	628	25	454	31,6	72,3
2	Тошкент кимё технология институти	1294	158	854	52	645	32,9	75,5
3	Андижон давлат университети	1911	32	1512	3	1160	9,4	76,7
4	Бухоро давлат университети	1244	29	1100	11	850	37,9	77,3
5	Қорақалпоқ давлат университети	2042	42	1403	21	882	50	62,3
6	Қарши давлат университети	1621	32	1150	-16,7	957	0	83,2
7	Наманган давлат университети	1256	24	970	9	805	37,5	82,9
8	Самарқанд давлат университети	1946	135	1359	43	1020	31,8	75,1
9	Тошкент ахборот-технологиялари университети	1300	102	886	17	822	16,7	92,7
10	Тошкент давлат аграр университети	1346	97	1044	30	901	30,9	86,3
11	Ўзбекистон Миллий университети	1539	304	1179	61	502	20,1	42,5
12	Тошкент давлат техника университети	2488	209	1585	45	913	21,5	57,6

Турли йўналишларни таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқилган ОТМларни

¹²Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси ва уларни мамлакатимиз олий таълим тизимида қўллаш имкониятлари ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Шу билан биргаликда қуйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

мақсадли йўналтириш - маркетинг стратегиялари олий таълим хизматларидан фойдаланувчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда бозорнинг маълум бир сегментида ОТМнинг мос мақсадларига йўналтирилган бўлиши керак;

рентабеллик - маркетинг стратегиялари, реклама, таълим хизматларининг янги турлари ва инновацион маҳсулотларни бозорга олиб чиқишга сарфланадиган харажатлар маркетингнинг рентабеллик кўрсаткичлари (Marketing Return on Sales-MROS) ва инвестициялари (Return on Marketing Investments) даромадлилиги орқали баҳоланиши керак;

интеграциялашган ахборот-маркетинг платформаларидан фойдаланган ҳолда рақамли технологиялар ёрдамида маркетинг маълумотларини тайёрлаш, тўплаш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш учун амалга оширилиши керак.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ривожлантириш маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг амалга ошириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ривожланиш истиқболлари ва маркетинг хизматини шакллантиришнинг устувор йўналишлари, олий таълим тизимида маркетинг стратегияларини шакллантириш ва унинг меҳнат бозоридаги рақобатнинг ўсиши билан боғлиқлиги ҳамда рақамли маркетинг технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари асослаб берилган.

Олий таълим тизимини ривожлантириш маркетинг стратегиясини аниқлашда асосий эътибор кўпинча стратегик бошқарувнинг асосини ташкил этувчи истиқболли режалаштиришга қаратилади. Истиқболли режанинг амалга оширилиши бошқарувнинг ҳал қилувчи таркибий қисми ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрига кўра рақобатбардош устунликка эришиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси бозорда асосий ва қўшимча таълим хизматларини кўрсатишни ташкил этиш бўйича ўзига хос усулларни топиши керак, шу жумладан:

ОТМларнинг рақобатбардошлик бўйича устунликларини амалиётга жорий этиш мақсадида мавжуд таълим хизматлари рақобатчилари фаолиятини мазкур таълим йўналишидаги хизмат турларини маркетинг таҳлил қилиш орқали баҳолаш;

ОТМлар томонидан кўрсатиладиган асосий ва қўшимча таълим хизматларини истеъмолчилар манфаатини ҳисобга олган ҳолда «баҳо-сифат» мезони бўйича (халқаро таълим стандартларида интеграция, кредит-модул тизими асосида сифатни баҳолаш, ОТМларнинг молиявий эркинлигини ошириш трендини ҳисобга олган ҳолда) танқидий маркетинг таҳлил қилиш;

рақобатбардошликни баҳолаш ва меҳнат бозоридаги талабнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда қўшимча таълим хизматлари (малака ошириш курслари, дуал тизимини, тренинглар ва масофавий таълим

усулларини кенгайтириш ва ҳ.к.) ассортиментини кенгайтириш масалаларини ҳал қилиш;

таълим хизматларининг янги турларини ташкил этиш, мавжуд, шунингдек, инновацион маҳсулотларни қўллашнинг янги усуллари ва йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш (инновацион технологияларни тижоратлаштириш, стартапларнинг экотизимини ривожлантириш ва бошқалар).

3-жадвал

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш бўйича чизиқли дискриминант функция коэффициентлари

Мустақил ўзгарувчилар	ОТМ номи			
	ҚарМИИ	АнДУ	ТДИУ	бошқалар
1. Таълим бериш усуллари қониқтирадимиз (ўқув дастурлари, таълим бериш методлари, амалий машғулотлар, назарий билим, талабаларнинг илмий ишлари)?	-0,014	-0,133	-0,348	-0,038
2. Таълим бериш жараёни ахборот технологиялари, компьютерлар, интернет, кутубхона, замонавий аудитория, дарсликлар билан таъминланганлиги қониқтирадимиз?	-0,095	-0,256	0,586	-0,074
3. Ўқитувчиларнинг профессионаллиги (фан бўйича билими, ўқитиш қобилияти, талабалар билан муомала, мавзуга қизиқтириш қобилияти) қониқтирадимиз?	0,437	1,342	0,714	1,028
4. Талабалар билан дарсдан ташқари ишлаш (дам олиш, спорт, маданий тадбирлар, таълим муассасаси ётоқхонаси, талабалар клуби) қай даражада?	-0,092	-0,471	-0,596	-0,448
5. Таълим хизматлари қониқтирадимиз (мавжуд мутахассисликлар ва ихтисосликлар, таълим бериш турлари кундузги, кечки, сиртки)?	1,267	1,253	1,269	1,266
6. Ўқув жараёнини ишлаб чиқариш ва амалиёт билан боғлиқлиги?	-1,410	-1,075	-1,115	-1,065
7. Ўқитилаётган фанлар келажакда иш жараёнида қанчалик ахамиятли деб ҳисоблайсиз?	1,294	0,738	0,366	0,696
8. Сиз таълим олаётган олий таълим муассасасида мустақил таълим олиш олиш учун қанчалик шароит етарли деб ҳисоблайсиз?	1,119	1,368	1,087	1,040
9. Сиз тугаллаётган олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш сифатини қандай баҳолайсиз?	0,350	0,521	0,181	0,884
10. Битирувчиларнинг касб маҳорати (амалий ва касбий муоммоларни ҳал қилиш қобилияти, илмий тадқиқотлар ўтказиш қобилияти, рақобатбардошлик, жамоада ишлай олиш).	2,103	2,430	2,309	2,016
12. Агар сиз яна абитуриентлик даврига қайтсангиз, танловингизни такрорлаган бўлармидингиз?	-0,377	-0,017	0,075	-0,297
(Константа)	-10,799	-15,224	-10,857	-10,603

Олий таълим муассасалари ўз фаолияти ва кўрсатаётган хизматларининг сифатини доимий равишда ошириб бориши ва истеъмолчилар талабини ўрганиш мақсадида диссертация ишида чизиқли дискриминант таҳлил ((Linear Discriminant Analysis (LDA) усулидан фойдаланилган (3-жадвал).

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш бўйича чизиқли дискриминант функция натижалари бўйича қуйидаги хулосалар қилинди:

таққосланаётган барча ОТМларда таълим бериш усуллари таълим олувчиларни етарли даражада қониқтирмайди (ўқув дастурлари, таълим усуллари, амалий машғулотларни олиб бориш жараёнлари, назарий билимларни ўзлаштириш, илмий ишлар, масофавий таълим тизими ва б.);

таълим бериш жараёни ахборот технологиялари (айниқса, короновирус пандемияси даврида сифатли масофали ўқиш тизимига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда), компьютерлар, интернет, кутубхона, замонавий аудитория, дарсликлар билан таъминланганлик ҳолатлари бўйича фақат Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таълим сифатини оширишга ижобий боғлиқ эканлиги маълум бўлди (“регистратор офис” платформасининг яратилиши);

барча таълим муассасаларида талабалар билан дарсдан ташқари ишлаш ҳолатлари, жумладан, дам олиш, спорт, маданий тадбирлар, таълим муассасаси ётоқхонаси, талабалар клуби кабилар фаолияти қониқтирмайди;

Натижалар бўйича қуйидаги чизиқли дискриминант функцияларини олдик:

$$D_{QarMI} = -0,014Q_1 - 0,095Q_2 + 0,437Q_3 - 0,092Q_4 + 1,267Q_5 - 1,410Q_6 + 1,294Q_7 + 1,119Q_8 + 0,350Q_9 + 2,103Q_{10} - 0,377Q_{12} - 10,799$$

$$D_{AnDU} = -,133Q_1 - ,256Q_2 + 1,342Q_3 - ,471Q_4 + 1,253Q_5 - 1,075Q_6 + ,738Q_7 + 1,368Q_8 + 0,521Q_9 + 2,430Q_{10} - 0,017Q_{12} - 15,224$$

$$D_{TDIU} = -0,348Q_1 + 0,586Q_2 + 0,714Q_3 - 0,596Q_4 + 1,269Q_5 - 1,115Q_6 + 0,366Q_7 + 1,087Q_8 + 0,181Q_9 + 2,309Q_{10} + 0,075Q_{12} - 10,857$$

$$D_{boшқа} = -0,038Q_1 - 0,074Q_2 + 1,028Q_3 - 0,448Q_4 + 1,266Q_5 - 1,065Q_6 + 0,696Q_7 + 1,040Q_8 + 0,884Q_9 + 2,016Q_{10} - 0,297Q_{12} - 10,603$$

таълим муассасаларида ўқув жараёнининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ даражаси етарли эмаслигини кўрсатди;

университетга содиқликни билдирувчи кўрсаткичда (агар сиз яна абитуриентлик даврига қайтсангиз, танловингизни такрорлаган бўлармидингиз) ТДИУ талабалари тарафидан ижобий натижалар қайд этилган.

Шу муносабат билан диссертация ишида олий таълим тизимида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишда асосий ва қўшимча таълим хизматлари турини кенгайтириш, янги инновацион маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш, тадқиқот сектори салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалаларини ҳисобга олиш талаб қилинади. Муаллифнинг фикрича, олий таълим тизимида узоқ муддатли маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг устувор тармоқларида амалга оширилаётган модернизация жараёнлари ва

ривожлантириш дастурларида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эътибор қаратилиши керак (бозор сегментлари бўйича, масалан, тўқимачилик ва энгил саноат, кимё, транспорт ва қурилиш тармоқлари, ахборот технологиялари соҳаси ва бошқалар), етакчи университетлар учун ўз брендларини (номоддий активлар) яратиш муҳим аҳамият касб этади (Гарвард, Стенфорд, Оксфорд, Кембридж ва бошқалар), маркетинг инвестицияларининг ошишига олиб келадиган маркетинг тадқиқотларига катта эътибор қаратилиши керак.¹³

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига табақалашган ёндашув асосида маркетинг стратегияларини шакллантириш¹⁴

№	Тоифаси	Маркетинг стратегияси
1	Флгман (етакчи) университетлар (Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети)	Етакчилик стратегияси - жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини таъминлаш, ички бозор талаблари даражасида таълим сифатини таъминлаш, таълим хизматлари экспортини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар билан таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, ОТМ брендларини шакллантириш, ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилиш, хорижий мамлакатларда маҳаллий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ва б.
2	Илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи ҳудудий олий таълим муассасалари (Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети ва б.).	Таълим хизмати турлари сифатини ошириш стратегияси кредит-модуль тизимини жорий қилиш, профессор-ўқитувчилар малакасини ва салоҳиятини ошириш, минтақавий меҳнат бозори талаблари асосида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини шакллантириш, ҳудудий инновацион жараёнларга таъсирини кучайтириш в б.
3	Соҳалар учун таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича таянч муассасалар ролини бажарувчи тармоқ олий таълим муассасалари (Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва б.).	Диверсификация стратегияси - реал сектор корхоналари билан интеграция жараёнларини кучайтириш, асосий ва қўшимча таълим турларини кенгайтириш, етакчи тармоқлар билан технологик платформа ва кластер усулида ишлаш, малакали мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш, иновацион маҳсулотлар ва хизматларни тижоратлаштириш йўли билан янги иш жойларини яратиш ва б.
4	Республикада фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари (Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежмент институти, Турин политехника институти, ИНХА университетини ва б.)	Таълим хизматлари нархини оптималлаштириш стратегияси- ички таълим хизматлари бозоридаги хорижий тилларда ва халқаро даражадаги мутахассисларни тайёрлаш бозорида рақобатнинг кучайиши нархни шакллантириш сиёсатини такомиллаштиришни талаб қилади

¹³ЭйтчисонДж. Яшиндек реклама. XXI асрда брендларнинг жаҳонда энг аъло чоп этилган рекламасини қандай яратиш керак -2-нашр. М.: Вильямс, 2007. -512 б.

¹⁴Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Диссертация ишида SWOT-таҳлил услубини қўллаш асосида¹⁵ олий таълим тизимининг ҳозирги ва келгуси ҳолатини маълум кучли ва кучсиз томонларга, шунингдек, ташқи имкониятлар ва таваккалчиликларга қараб олий таълим муассасаларига табақалашган ёндашув асосида маркетинг стратегияларини шакллантириш йўналишлари моделлари аниқланди (4-жадвал).

Таълим хизматлари истеъмолчиларининг қониқиш кўрсаткичлари таълим йўналишлари бўйича тайёрланаётган бакалавр ва магистрлар тайёрлаш даражаси, шунингдек, лавозим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълум компетенцияларга (лойиха бошқарувида, танқидий ва креатив фикрлаш малакаси, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бошқалар) эга бўлишда намоён бўлади. Истеъмолчилар талабига асосан таълим хизматларида сифатни таъминлаш учун маркетингни бошқаришда мос бошқарув тизимини ташкил этиш талаб этилади. Диссертация ишидаги тадқиқотлар жараёнида республика ОТМларида маркетингни бошқариш бўйича маркетинг стратегиясини шакллантириш модели ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. ОТМларда маркетингни бошқариш бўйича таклиф этилаётган маркетинг стратегиясини шакллантириш моделининг асосий мақсади таълим хизматлари бозори талаби асосида келиб чиқадиган таълим жараёнидаги номуаносибликларни бартараф этишдан иборат (4-расм).

Таклиф этилаётган модел ўз ичига маркетинг тадқиқотлари блокни олади (улар бунга ўз маркетинг хизматини ташкил этиш ёки аутсорсинг хизматлари асосида ҳам эришишлари мумкин), бу таълим хизматлари сифатини оширишга қаратилган ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу ечимларни амалга оширишга хизмат қилади.

Қарорларни ишлаб чиқиш блокида олинган маркетинг маълумотлари, таълим хизматларининг сифатини оширишга қаратилган тадбирларни режалаштириш учун фойдаланилади:


таълим хизматлари сифатидан қониққанлик даражасини ошириш мақсадида, шунингдек, кредит-модуль тизимига ўтиш учун ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва таҳрир қилиш;

таълим жараёнини амалга ошириш учун шароитларни истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш мақсадида ОТМларда таълим жараёнини ресурсли ахборот-режалаштириш билан таъминлаш;

ОТМлар таълим дастурларининг рақобатбардошлигини ошириш ва ходимларни рағбатлантириш механизмининг модернизация қилиш мақсадида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш.

